

TOTALITARISM AND IDEAS.**Khudaiberdieva Gulnora Khursandovna**

Lecturer, Department of Civil Society, Faculty of Law, TerSU

Sharipov Asadbek Rustam oglu

Student of the Faculty of Law of TerSU.

Totalitarianism is derived from the word totalitare, which means integrity, completeness, perfection. Totalitarianism is a systemic political system that requires full state control over all spheres of public life, the persecution of democratic organizations, the abolition of constitutional rights and freedoms, and the subordination of the interests of any individual, social class, or group to the interests of the state

ТОТАЛИТАРИЗМ ВА ҒОЯЛАР.**Худайбердиева Гулнора Хурсандовна**

ТерДУ Юридик факультет “Фукаролик жамияти” кафедраси уқитувчиси,

Шарифов Асадбек Рустам ўғли

ТерДУ Юридик факультет талабаси.

Тоталитаризм totalitare-сўзидан олинган бўлиб бутунлик, тўлалик, мукамаллик деган маънони англатади. Тоталитаризм жамият ҳаётининг барча соҳаларини давлат томонидан тўла назорат қилиш, демократик ташкилотларни таъқиб қилиш, конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларни тугатиш, ҳар қандай шахс, ижтимоий қатлам, гуруҳ манфаатларини давлат манфаатларига бўйсундирилишини талаб қиладиган сиёсий ғоялар тизими ва улар асосида шаклландиган давлат тузумидир.

Тоталитар (мустабид) бошқарув шакли жорий қилинган мамлакатларда жамият ҳаётининг барча соҳаларида давлатнинг тўла ҳукмронлиги ўрнатилади, ошқора ижтимоий-сиёсий ташкилотларнинг фаолияти устидан қаттиқ назорат олиб борилади, демократик ташкилотлар фаолияти чеклаб қўйилади. Бу ғоя, мафкура тарафдорлари ўта марказлашган ҳокимият тизими ўрнатилган кучли давлатни ташкил қилиш, мамлакатни бошқаришда яққо ягона куч ёки партиянинг ҳукмронлигини таъминлашга алоҳида эътибор бердилар. Жамиятда барча давлат органлари, мансабдор шахслар фаолияти ва омма ҳаёти устидан тўла назоратни ўрнатиш, давлат ички ва ташқи сиёсатининг асосий йўналишларини марказий ташкилот томонидан белгилаб берилиши, давлатга раҳбарлик қилишни яққо шахс қўлида тўплашдек ғоялар устуворликқилади. Тарихдан маълум бўлган фашистик тузумлар ва собиқ совет иттифоқи ва унинг иттифокдошлари бунга мисол бўлиши мумкин.

Тоталитар бошқарув тизимидаги давлатда жамиятнинг барча соҳаларида муайян мафкуранинг яққо ҳокимлиги мавжуд бўлади. Мафкура яққо ҳокимлиги бўлган жамиятнинг эса келажаги йўқ. Тоталитар тузум эрта ёки кеч ҳалокатга учрайди.

Ўз ўрнида тоталитаризм сиёсий-фалсафий оқим, ғоялар, мафкура ҳам ҳисобланади. Ҳозирги адабиётларнинг кўпчилигида тоталитаризм деганда фашизм, нацизм ва большевизм (кенг маънода ленинизм) тушунилади. Улар бир- биридан қанчалик даражада фарқ қилишидан қатъи назар, улар ўртасида жуда кўплаб умумийликлар ҳам мавжуд.

Тоталитар сиёсий системалар юқорида қайд этилган ғоявий-сиёсий конструкцияларга асосланган бўлиб, диктатура сифатида юзага чиқади ва унинг асосини чекланмаган ҳокимият, ваколат ташкил қилади.

Тоталитаризмда ҳокимият бир кишининг, бир гуруҳ кишилар, ёмон ниятли кишилар ёки партиялар қўлида тўпланиб қолади. Унда бошқарув назоратни бошқарувчи кишининг хоҳишларига қараб амалга оширилади. Бу манократиядан иборат бўлиб муҳим жиҳатларига кўра демократиянинг акси, қарама-қарши кўринишидир.

Диктаторлик режими бир-биридан қанчалик даражада фарқ қилишидан қатъи назар конституциявийлик, плюрализм, демократия тамойиллари бўйича бирхилликка эгадир. Улар умуман ҳақиқий сайловни рад этиб, қисман ёки чекланган муҳолифатга йўл қўяди, турли сиёсий партияларнинг рақобат тамойилига асосланишини плебисцитар (ҳеч қандай, ҳуқуқга эга бўлмаган) характердаги сайлов билан алмаштирадилар, муқобил номзодларга йўл қўйилмайди ёки номзоднинг ўтиши олдиндан ҳал қилинади. Уларда сиёсий эркинликларни, ҳокимиятнинг бўлиниши, илк реал ҳуқуқларини кафолатлаш мавжуд бўлмайди.

Диктатура ҳам демократия каби ҳаётда турли шаклларда амалга оширилади. Уни турли цивилизацияларда ва турли тарихий даврларда кўриш мумкин.

Антик жамиятдаёқ Шарқда ҳам, Ғарбда ҳам мустабид ҳокимликни (тирон), деспотиянинг (золимлик), олигархия (бир тудга қудратли кишилар) ҳукмронлигининг кўплаб шакллари мавжуд бўлган. Уларнинг элементлари мавжуд бўлган ҳокимиятнинг диктаторлик шакли XVI асрда вужудга келди, бу Европа халқларининг миллий давлатчилиқни шкалантириш жараёнида, Рим папасидан ва Муқаддас Рим империясидан мустақил бўлиш даврида вужудга келди. Улар юридик-ҳуқуқий ғояга асосланган суверен давлат ғоясини шкалантириш жараёнида Франциянинг легист қироли Филипп Чиройли томонидан ишлаб чиқилди. Абсолют монархия лойиҳасининг асоси қилиб Ж. Боден, Боссюэ, Т. Гоббс ва бошқалар ишлаб чиққан ғоялари олинди.

Абсолют монархиянинг типик вакиллари сифатида Францияда Людовик XIV, Пруссияда Фридрих II, Австрияда Иосиф II, Россияда XVIII асрда Екатерина II лар ҳукмронлигини айтиш мумкин. Кейинчалик абсолютизм бошқа барча бошқарув системаларига (тизимларига) нисбатан ҳам ишлатиладиган бўлди. Абсолютизм одатда янги замон даврининг бошланишидаги давлат режимларига нисбатан ишлатиладиган бўлди. Унинг нисбий кўринишлари сифатида “бонапартизм”, “самадержавие” (чор подшошининг мустабид ҳокимияти) тушуниладиган бўлди.

Ҳозирги даврда сиёсий тизимларида (сistemаларида) диктаторликнинг икки шакли мавжуд: авторитаризм ва тоталитаризм. Тоталитаризм деганда 1922-1945 йилларда Италиядаги Муссолини бошчилигидаги сиёсий режим, 1933-1945 йилларда Германиядаги Гитлер бошчилигидаги сиёсий режим тушунилади СССР ва Ғарбий Европа, Хитой ва бошқа бир қатор мамлакатлардаги сиёсий режимни тоталитаризм деб тушунадилар.

Авторитар режимлар диапозони кенг тарқалган бўлиб, ҳозирги вақтда учинчи дунё мамлакатларида кўпчилиқни ташкил қилади.

Диктатура, авторитаризм ва тоталитаризм қатор жиҳатларига қараб бир-биридан тубдан фарқ ҳам қилади. Тоталитаризмнинг ўзига хослиги шундаки, бутун жамият ва давлат бир-бирига тўла қўшилиб кетади; жамият, давлат ва партиялар ҳам; уларнинг ягона мафқураси, иқтисоди, сиёсати ягона бўлиб қолади. \

Авторитаризмда давлат жамиятдан юқори туради, ижроия ҳокимият қонунчилик ва суддан устун, биринчи ўринда туради. Лекин авторитаризмда тоталитаризмдаги зулм, ҳамма соҳани қамраб олиш мавжуд бўлмайди. Авторитаризм фуқаролик жамиятининг нозик, бўш, ривожланмаган томонларидан фойдаланади, тоталитаризм эса уларни йўқ қилади. Иқтисодиёт маълум даражада мустақилликка эга. Социал кучларда фикрлар хилма-хиллиги сақланади. Авторитаризм давлат бошқарувига ҳам, бозор иқтисодиётига ҳам мослаша олади. Динийлик ва дунёвийлик ўртасидаги чегарага руҳсат берилади. Расман парламент ва партияларга руҳсат берилади, уларнинг фаолияти чекланган бўлади. Синфий, табақавий, тоифавий, қабилавий фарқлар сақланиб қолади. Авторитаризмдан демократияга ўтиш сиёсий режимни ўзгартиришдан иборат бўлади. Тоталитаризмдан демократияга ўтиш эса бутун ижтимоий системада туб ўзгаришлар амалга оширилишини талаб қилади. Авторитар режимнинг типлари кўпчилиқ бўлиб Осиё, Африка, Лотин Америкаси, Испания, Португалия, Грецияда ҳам тарқалган.

Тоталитаризм XX аср 20-30 йилларида Италияда фашистлар, Германиядаги нацистлар, СССРдаги большевизм ва халқ демократик режимларида сиёсий системанинг номи сифатида ишлатилди.

Юқори баён этилган фикрлардан келиб чиқиб қуйидаги қисқача хулосаларни билдириш мумкин:

Биринчидан, тоталитаризм деганда давлат бошқарувини бир киши, бир партия, бир гуруҳ одамлар қўлига олган тизимларга тушунилади;

Иккинчидан, тоталитар режими узок ўтмишга бориб тақалади ва унинг тиранлик, деспотия, олигархия, диктатура шакллари мавжуд;

Учинчидан, тоталитаризм, ҳар қандай эркинлик, фикрлар хилма-хиллиги, рақобатга имкон бермайди.

Адабиётлар

1. Миллий ғоя ва раҳбар масъулияти-Т.: 2007.
2. Миллий ғоя: тарғибот технологиялари ва атамалар луғати-Т.: “Академия”, 2007
3. Худайбердиев Х. Сиёсий ҳаётни эркинлаштириш // Миллий ғоя тарғибот технологиялари ва атамалар луғати-Т.: “Академия”, 2007.
4. Худайбердиева Г.Х. Миллийлик: қуринишлари, муаммо ва ечимлари.// Монография. “Сурхон-нашр” нашриёти Термиз-2019 й. 300 бет.
5. Худайбердиева Г.Х. Глобаллашув даврида ёшлар маънавиятини шакллантиришда муҳим омил// “Ўтмишга назар” илмий назарий журнал. – Тошкен, 2019 №3. 395-410 б.
6. Худайбердиева Г.Х. Хожа Самандар Термизий давлатни бошқаришнинг ахлокий жихатлари хусусида.// “Гулистон Давлат Университети Ахбаротномаси” илмий назарий журнал. – Тошкен, 2019 №4. 113--117 б.